



## IMPROVING LOGISTICS APPROACHES IN FRUIT AND VEGETABLE AGRO-CLUSTER ENTERPRISES OF UZBEKISTAN.

*Takhirjan Ganievich Yokubov*

*Senior lecturer of the Andijan faculty  
of the Tashkent State University of Economics.*

*E-mail: yoqubov-tg@mail.ru*

Abstract:

One of the most pressing problems today is ensuring economic growth through uninterrupted food supplies to the population of Uzbekistan and the export of agricultural products to world markets. This article analyzes the issues of organizing and improving logistics systems in fruit and vegetable agro-cluster enterprises in Uzbekistan. Supply chain management, cold chain, digital logistics, optimization of export processes, and infrastructure issues are studied. Practical proposals and recommendations for increasing logistics efficiency are developed.

Key words: economy and agricultural sector, integration, food security, export, investments, cluster, greenhouses, farmers, dekhkan farms, leasing, crediting, financial support.

Key words: agro-cluster, fruit and vegetable production, logistics, supply chain, cold chain, digital logistics, export, efficiency.

## УЛУЧШЕНИЕ ЛОГИСТИЧЕСКИХ ПОДХОДОВ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ ПО ВЫРАЩИВАНИЮ ФРУКТОВ И ОВОЩЕЙ В УЗБЕКИСТАНЕ.

*Тахиржан Ганиевич Ёкубов*

*Старший преподаватель,*

*Андижанского факультета*

*Ташкентского государственного*



*экономического университета.*

*E-mail: yoqubov-tg@mail.ru*

Аннотация:

Одной из наиболее актуальных проблем сегодня является обеспечение экономического роста за счет бесперебойных поставок продовольствия населению Узбекистана и экспорта сельскохозяйственной продукции на мировые рынки. В данной статье анализируются вопросы организации и совершенствования логистических систем на предприятиях агрокластеров по выращиванию фруктов и овощей в Узбекистане. Рассматриваются вопросы управления цепочками поставок, холодной цепи, цифровой логистики, оптимизации экспортных процессов и инфраструктурных аспектов. Разработаны практические предложения и рекомендации по повышению эффективности логистики.

Ключевые слова: агрокластер, выращивание фруктов и овощей, логистика, цепочка поставок, холодная цепь, цифровая логистика, экспорт, эффективность.

**ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК АГРОКЛАСТЕР  
КОРХОНАЛАРИДА ЛОГИСТИК ЁНДАШУВЛАРНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.**

*Ёқубов Тоҳиржон Ғаниевич,*

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

*Андижон факултети*

*катта ўқитувчиси.*

*E-mail: yoqubov-tg@mail.ru*

Аннотация: Ўзбекистон аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ва аграр соҳада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни



жаҳон бозорига экспорт қилиш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Ушбу мақолада Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик агрокластер корхоналарида логистик тизимларни ташкил этиш ва такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган. Таъминот занжирини бошқариш, совутилган логистика (cold chain), рақамли логистика, экспорт жараёнларини оптималлаштириш ҳамда инфратузилмавий муаммолар ўрганилган. Логистик самарадорликни ошириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган..

Калит сўзлар: агрокластер, мева-сабзавотчилик, логистика, таъминот занжири, cold chain, рақамли логистика, экспорт, самарадорлик.

Ўзбекистон иқтисодиётида аграр сектор стратегик аҳамиятга эга бўлиб, мева-сабзавотчилик тармоғи экспорт тушумларининг муҳим қисмини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган муҳим вазифалардан келиб чиққан ҳолда “Биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлашга ва уни амалга оширишга қаратилиши зарур”[3] деган кўрсатмаларини юқори даражада амалга оширишда бош йўналиши халқаро амалиётда синалган “Кластер” назариясига асосланган тажрибадан фойдаланиш, жумладан, иқтисодиётимизнинг реал секторларида ва мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳамда саноат негизида қайта ишлаш соҳалари истикболида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун сўнгги йилларда аграр соҳада кластер тизими жорий қилиниб, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва экспорт жараёнлари интеграциялаштирилмоқда.

Агрокластерларни ривожлантириш ва логистик инфратузилмани такомиллаштириш ишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Қишлоқ



хўжалиги вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилмоқда. Бу эса таъминот занжирини бошқаришда тизимли ёндашувларни талаб қилади.

### Адабиётлар таҳлили

Логистика ва таъминот занжири бошқаруви бўйича халқаро тадқиқотларда SCM (Supply Chain Management) концепцияси ресурслардан самарали фойдаланиш ва харажатларни минималлаштириш воситаси сифатида қаралади. Турли корхоналарнинг ташкилотлараро ўзаро ҳаракатлари ривожланишининг бутун тарихи етказиб беришлар билан боғланади. Корхоналарнинг кооперацияланиши ва ихтисослашувининг ривожланиши билан биргаликда етказиб беришларни бошқариш услублари ҳам ривожланган.

Иқтисодиёт назариясига кластер тушунчаси Америка олими М. Ю. Пóртер томонидан киритилган бўлиб, у «Мамлакатнинг рақобатда устунлиги (1990й.) китобида кластер тушунчаси моҳиятини очиб беради, жаҳон иқтисодиётига тадбиқ этиб маҳаллий, миллий ва давлат рақобатбардошлиги назарияларини илгари сурган, ҳамда кластер назариясининг тарихий ва интеллектуал шарт - шароитларини таҳлил этган ва мамлакат рақобатбардошлиги алоҳида фирмаларнинг эмас, балки турли тармоқларга оид фирмалар бирлашмаси-кластерларнинг халқаро рақобатбардошлиги призмаси орқали кўриш мақсадга мувофиқ, хусусан, мана шу кластерларнинг ички ресурслардан самарали тарзда фойдалана олиш қобилияти муҳим эканлигини асослайди[7].

Республикамизда кластер тизими асосида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг назарий жиҳатлари ва амалий аҳамияти бўйича олимларимиздан Қ.Ҳ.Абдурахмонов, Ё.А.Абдуллаев, М.Ш.Шарифхўжаев, Ш.Н.Зайнутдинов,



С.С.Ғуломов, Б.А.Акрамов, К.А.Насирова, Р.Х.Ташматовлар томонидан ёритилган[9].

Бу ўз навбатида Аграр соҳада эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тез бузилувчанлиги логистиканинг ўзига хос ёндашувини талаб этади. Маҳаллий тадқиқотларда агрокластер тизимида вертикал интеграция ва кооперация самарадорликни оширувчи омил сифатида таъкидланган.

#### Тадқиқот методологияси

Мақолада қиёсий таҳлил, статистик таҳлил, тизимли ёндашув ва иқтисодий баҳолаш усулларида фойдаланилди. Логистик жараёнларнинг самарадорлиги маҳсулот йўқотишлари, айланма маблағлар айланиш тезлиги ва экспорт ҳажми орқали баҳоланди.

#### Асосий қисм

Бугунги кунда, давлат томонидан “кластер сиёсати” бевосита бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган учта йўналишда амалга оширилиши лозим, яъни, инновациялар учун тўсиқларни бартараф этиш, инсон капитали ва инфратузилмага инвестицияларни йўналтириш ва агрокластер иштирокчиларини географик жиҳатдан тўпланишини қўллаб-қувватлаш.

Агрокластерларни ташкил этиш зарурияти, тамойиллари, босқичлари, ривожлантириш йўллари ва самарадорлигини баҳолашда кенг қамровли ёндашув талаб этилади. Жумладан, назарий жиҳатдан бир хил гуруҳлар объектларини иқтисодий-географик жойлашувига кўра, кўп ўлчовли статистик жараёнларни жамланмаси таҳлиллари амалга оширилади. Методологик жиҳатдан, эса кластерлар ҳудудий-тармоқ мажмуаси назарияси, тизимли ёндашув, ишлаб чиқаришни ташкил этиш тамойиллари ва иқтисодий ўсиш концепцияларини ўзаро алоқаларини акс эттиради.



Нихоят, амалий жиҳати, кластер иштирокчилари- қишлоқ хўжалиги ва унинг маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларни фаолиятини ривожлантиришни стратегик бошқаришдан фойдаланиш ва эришилган натижаларини ташкил этади.

Агрокластерлар ўз фаолиятида учта хусусиятга асосланишлари мумкин:

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ҳудудий ихтисослашув ва маҳаллийлаштириш;

-тармоқнинг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқалар;

- турли тармоқлар ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи технологик ўзаро алоқаларнинг шаклланганлиги кабилар.

Шу нуқтаи назардан Агрокластерларда логистиканинг иқтисодий аҳамияти шундаки, логистика ишлаб чиқаришдан то истеъмолчигача бўлган барча босқичларни қамраб олади. Бу ўз навбатида самарали агрологистикада ҳалқаро стандартларга мос равишда маҳсулот етиштириш, унинг сифатини сақлаш, харажатларни камайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва рақобатбардошликни таъминлаш имконини беради.

"Совуқ занжирли логистика "- бу маълум ҳарорат шароитларини талаб қиладиган товарларни 7R-қоидаларига асосан етказиб бериш ва сақлаш жараёнидир. Бу уларнинг хавфсизлиги ва самарадорлигини таъминлайди. Совуқ занжирли логистика озиқ-овқат, дори-дармонлар, кимёвий моддалар ва янги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари каби товарлар учун жуда муҳимдир. Бу жараён ушбу товарларнинг, айниқса доимий ҳароратни талаб қиладиган фарматсевтика маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш учун жуда муҳимдир.



Замонавий агрологистикани бошқаришда Cold Chain тизими жорий этиш мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашда ҳарорат режими муҳим аҳамиятга эга. Совутилган омборлар ва рефрижератор транспорт воситалари маҳсулот йўқотишларини 15–20% гача камайтириш имконини беради.

Аграр тармоқда Рақамли логистика кенг жорий этиш ва рақамли технологиялар (ЭРР, WMS, GPS мониторинг) орқали:

омбор заҳиралари назорат қилиш;

транспорт ҳаракати кузатиш;

электрон ҳужжат айланмаси жорий этиш имкониятлари тезлашади.

Ўзбекистонда экспорт салоҳиятини оширишда агрологистика марказлари ва унинг инфратузилмани ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди.

Бугунги кундаги агрокластерларда муаммолар ва чекловлар қуйидагилар деб ҳисоблаймиз:

-Аграр тармоқда логистик марказлар етишмаслиги;

-Аграр тармоқ маҳсулотларини халқаро стандартларга мос қадоклаш муаммолари;

-Бугунги кундаги юқори транспорт тарифлари;

-Логистика соҳасида кадрлар етишмаслиги.

Тадқиқот натижалари

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, логистик ёндашувларни комплекс жорий этиш натижасида:

маҳсулот йўқотишлари 15–20% га камаяди;



экспорт ҳажми 1,3 баробаргача ошиши мумкин;

айланма маблағлар айланиш даври қисқаради.

Хулоса

Мева-сабзавотчилик агрокластерларида логистик тизимларни модернизация қилиш аграр иқтисодиёт барқарор ривожланишининг муҳим омили ҳисобланади. Логистика стратегия даражасида бошқарилиши лозим. Cold chain тизимини кенгайтириш, рақамли платформаларни жорий этиш ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш асосий йўналишлар сифатида қаралиши керак.

Ўзбекистон Республикаси мева-сабзавотчилик кластерларида бошқарув тизимини ташкил этиш ва уни такомиллаштиришда логистик ёндашувларни жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Мирзиёев Ш. М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.-56 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартда “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга



доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5388 сонли фармони.  
<https://lex.uz>

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида» 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сон қарори. <https://lex.uz>

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартда “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5388 сонли фармони.  
<https://lex.uz>

7. М. Портер Международная конкуренция:/Пер.с англ./ Под ред. и с предисловием В. Д. Щетинина.-М :-международ. отношения, 2005.-859с.

Mentzer J.T. Supply Chain Management. – Sage Publications, 2001.

8."Ecocluster" has started the franchise first in Russia on ecomarket.//Internet magazine «Agriculture in Russia». [The Electronic resource] - an access Mode://11-12-2012/

9. Абдурахмонов Қ.Х., Имомов В.А. Ўзбекистонда меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш. Монография. – Т.: Академия, 2008. – Б. 224.; Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. – Т.: «Ўқитувчи», 2001. – Б. 451.; Зайнутдинов Ш.Н. ва бошқалар. Менежмент асослари. – Т.: «Молия», 2002. – Б. 8.; Ғуломов С.С. ва бошқалар. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: «Меҳнат», 2002. – Б. 337.; Акромов Б.А. ва бошқалар. Қишлоқда фермер хўжалиқларини юзага келиши ва ривожланишининг асосий тамойилларини белгилаш: услубий қўлланма. – Т., 2007. – Б.



10. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари,  
<http://www.stat.uz/STAT/index.php>.

11. Ўзбекистон Республикасининг аграр соҳани ривожлантиришга оид  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.